ШЕЪРИЯТ ВА РАНГТАСВИРДА ИНСОН ТАСВИРИ

С.Д.Қуронов

Мақолада маданиятнинг турли босқичларида санъаткорнинг инсон образи тасвирига бўлган муносабати бадиий синтез муаммоси тамойиллари асосида тадқиқ этилган. Инсон қиёфаси тасвирига ёндашув муайян давр эстетик тафаккурини белгилаб берувчи омил экани тасдиқланган.

Калит сўзлар: *бадиий синтез, визуал санъат, миниатюра, эстетик тафаккур.*

В статье с точки зрения проблемы художественного синтеза исследуется отношение художника к изображению образа человека на различных стадиях развития культуры. Утверждается, что подход к изображению человека является фактором, определяющим художественное мышление определенного периода.

Ключевые слова*: художественный синтез, визуальные искусства, миниатюра, эстетическое мышление.*

The article studies the problem of literary synthesis of the relation of the author to the creation of the image a human being in different stages development of human culture. It is pointed out that the approach to the description of the human being is the main factor defining the the literary thingking of a dfinite period.

Key words*: literary synthesis, visual art, miniature, aesthetic thinking.*

Санъаткорнинг инсон қиёфаси тасвирига ёндашуви маданиятнинг турли босқичларида ўзгариб, янгиланиб турган. Яъни ижодкор инсон образини яратаркан, ўз даврининг эстетик тафаккури, ижтимоий онг мезонларига таянади. Санъат тарихида инсон қиёфаси тасвирининг такомиллашиши, сўзсиз, бадиий синтез тамойиллари билан узвий боғлиқ. Зеро, ифодавий ва тасвирий санъатларнинг ўзаро алоқалари сарқирра ва мураккаб инсон қиёфасини тўлақонли тасвирлашда жудаям муҳим (шу ўринда "қиёфа" сўзини кенгроқ – кишининг ҳам ташқи, ҳам ички дунёси маъносида талқин этиш мақсадга мувофиқ бўлади). Дейлик, агар адабиёт инсон ички оламини бутун нозик жиҳатлари билан ифодалашга ҳаракат қилса, тасвирий санъат унинг ноёб ташқи кўринишини чизади. Аммо бу икки санъат ҳам ўзидаги специфик хусусиятдан қониқмайди. Ижодкор ўз қаҳрамонини ҳам кўриб, ҳам ҳис этиб тушунилишини истайди. Санъат, хусусан, адабиётнинг марказида инсон туришини ҳисобга олсак, инсон қиёфасининг тасвири муайян давр санъатини тадқиқ этишда жудаям катта аҳамиятга эга экани англашилади.

Жаҳон классик санъати намуналарини кузатар эканмиз, қиёфани тасвирлаш тамойиллари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ўхшаш бўлгани кўринади. Айниқса, бу ўхшашлик реалистик тасвирга бўлган муносабатда кўпроқ сезилади. Ўтмишда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам санъаткорлар инсонни ташқи – реал аломатлари билан тасвирлашни хуш кўрмаганлар. Ғарб классик адабиётининг тасвирий хусусиятлари ҳақида сўз юритаркан, рус санъатшуноси Н.Дмитриева шун-

дай дейди: “Эпик адабиёт образни сўз воситасида тасвирлашга уринмаган – у ҳикоя қилган” [1.26]. Айни шу каби ҳолатни Шарқ мумтоз адабиётида ҳам кўришимиз мумкин. Тарихда санъаткор инсон қиёфасини унинг ҳатти-ҳаракатлари (Ғарб) ва мақоми (Шарқ) таърифи билан “чизган”. Бунда ғарблик санъаткор ҳам, шарқлик санъаткор ҳам қаҳрамоннинг ташқи кўринишини тасвирлашдан қочган бўлса-да, улар мақсадда фарқ қилганлар. Ғарбда қаҳрамоннинг умумий қиёфаси, одатда, унинг реал ҳатти-ҳаракатлари ҳамда асардаги бошқа қаҳрамонларнинг унга берган таърифи эвазига яратилган. Бу ҳақда машҳур француз маърифатпарвари Лессинг ўзининг “Лаокоон” асарида тўхталиб ўтади. Лессинг Гомернинг “Илиада” достонидаги гўзал малика Елена ташқи қиёфасини тасвирлашдан қочганига эътибор қаратади. Ваҳоланки, асарнинг фожеали сюжети Еленанинг гўзаллиги билан узвий боғлиқ эди. Гомер маликани унинг ҳаракатлари ва бир ўринда Троя сарой мулозимларининг ҳайрати билан тасвирлайди, гўё. [4.122]. Образ яратишдаги бу тахлит ёндашувни Қадимги Юнон тасвирий санъати намуналарида ҳам учратиш мумкин. Ҳозирги кунгача сақланиб қолган деворий ҳамда сопол буюмларга чизилган суратларда инсоннинг реалликка монанд кўринишини учратмайсиз. Кўз, қош, бурун ва тананинг бошқа аъзолари жудаям шартли – ўхшаш бўлиб, суратдаги тасвир ва воқеликни қаҳрамонларнинг ҳаракати таъминлаб туради. Шу каби тенденция Шарқ мумтоз санъатларида ҳам кузатилади. Аммо Шарқ санъаткорлари қаҳрамонларни реалистик аломатлар (хатти-ҳаракат) билан эмас, балки мутлақ идеал тушунчалар эвазига тасвирлайдилар. Натижада ердан бутунлай узилган, Шарқнинг идеал ғоя ва мақсадларига йўғрилган қаҳрамон яратилади.

Шарқ мумтоз санъаткорлари идеални кўкдан қидирганлар. Улар учун фоний дунёнинг реалистик аломатлари, хусусан, кишининг танаси муайян қийматга эга бўлмаган. Мумтоз адабиётда ҳам, миниатюрада ҳам шартлилик ва анъанавийлик устувор бўлиб келган. Шарқ мумтоз миниатюраси ва адабиётини тадқиқ этган санъатшунослар Е.Полякова ва З.Раҳимовалар ижодкорнинг инсон қиёфасини реалистик тасвирлашдан чекинишига икки хил сабабни кўрсатадилар. Улардан бири Шарқнинг ўзига хос фалсафий-эстетик қарашлари бўлса, иккинчиси сарой шоирлари томонидан подшоҳ қиёфасини ҳадсиз идеаллаштирилишидир: “Қасидагўй шоирлар ўз ҳукмдорларини Рустамга хос хислатлар билан таърифлашаркан воқеалар ҳақиқатига келганда адашмаган бўлсалар керак. Улар ҳар ҳолда гуноҳкор реал шахс билан ҳақиқий бадбашараларини ёпиб келган безакли ясама ниқоб ўртасидаги фарқни аниқ тасаввур қилганлар” [6.67]. Аммо санъатшунослар шарқлик ижодкорнинг баъзан реалистик тасвирга қўл урганини ҳам инкор этмайдилар: “Инсонни тасвирлашдаги реалистик майл Абулфайз Байҳақий томонидан XI асрнинг иккинчи ярмида ёзилган “Таърихи Масъудий” солномасида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Байҳақийни энг аввало кишиларни бир-биридан ажратиб турувчи хос хислатлар қизиқтиради... Байҳақий шахсни унга ўхшаган кишилар тоифасидан ажратиб олиб кўрсатади” [6.68]. Муаллифлар кейинги даврларда реалистик ифода ривожланмаганини, аксинча, эътибордан четда қолиб кетганини ҳам таъкидлашади.

Шарқ миниатюра санъатидаги инсон образи мумтоз адабиётдаги қиёфалардан фарқ қилмаган. Мусаввир ҳам оламни худди шоир каби қабул қилган ва суратда реал қиёфаларни чизмаган. Рассом учун юз кўринишини чизиш шартли бўлиб, деярли барча қиёфалар ўхшаш тасвирланар эди. Юз ифодаси, тана ўлчамлари ва ҳаракатлар реалликка монанд келмасди. Картинадаги инсон образлари муайян рамзнигина ифодалаб, суратдаги ҳар бир ранг, ҳар бир деталь бирор тасаввуфий мазмунни англатиб турган. Таъкидлаш жоизки, Шарқ санъатлари ислом дини ақидалари асосида шаклланган. Ислом ақидасига кўра, жонли нарсалар суратини чизиш – оғир гуноҳ. Шунинг учун ҳам мусаввир ўзи чизган суратга ҳаётнинг акси сифатида қарай олмасди. Миниатюрадаги тасвирнинг рамзийлашганига, унинг ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашишига ҳам асосий сабаб шу. Шарқда миниатюрага китоб безаги санъати, таъбир жоиз бўлса, матннинг бир қисми сифатида қаралган. У шоир ифода этган сўфиёна мурожаатнинг визуал шарҳи эди, холос.

Мумтоз шеърият том маънода исломий-тасаввуфий адабиёт эди. Шу боис, қаҳрамонлар ўта идеаллаштирилар, гўзал фазилатлар билан улуғланарди. Хусусан, Алишер Навоий ижодидаги Фарҳод образи ҳам чин сўфиёна қиёфада акс эттирилган эди:

Демон, ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок [2.77].

Навоий Фарҳоднинг ташқи кўринишини унинг алоҳида чизгилари билан тасвирлаб бермайди, балки феъл-атвори, хулқи ва амалига таъриф беради. Дейлик, Фарҳоднинг гўзаллиги ҳақида сўз кетса, шоир ўша давр идеал қаҳрамонлари учун гўзаллик сифатида қабул қилинган шартли кўринишларни қаламга олади. Яъни юқоридаги байт Шарқ мумтоз адабиётида инсон образини яратишдаги ўзига хосликни кўрсатувчи мисол сифатида келтирилиши мумкин.

Инсон қиёфасини бурмунча реаллаштирган шоир сифатида XIX аср охирида сермаҳсул ижод қилган Муқимийни кўрсатиш мумкин. Муқимий мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттиргани ҳолда, қаҳрамонлари тасвирига ўз даврининг шарт-шароити, янгиланиб бораётган эстетик тафаккур нуқтаи назаридан ёндашади. Баъзан шоир шеърларида реал, жонли қаҳрамонлар қиёфасини ҳам учратиш мумкин эди:

Оҳ, Фарғонада бир яхши жонон учрамади,
Яъни гулчеҳра қадди сарви равон учрамади [3.113]

Муқимий "Учрамади" радифли ғазалнинг биринчи бандидаёқ лирик мушоҳада объектнинг реал қиёфасини яратишга уринади. Ўқувчига қаҳрамон изтироблари муайян географик ҳудуд – Фарғонада кечаётгани ошкор қилинар экан, шеърда идеал қиёфа эмас, балки конкрет замон ва макондаги шахс тасвирланаётгани англашилади (Албатта, анъанавий мумтоз адабиёт намуналарида ҳам жой номларини учратиш мумкин, лекин, одатда, бу жойлар муайян шартлилик, рамзийлик касб этган бўлади. Масалан, "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Чин мамлакати каби).

Бошқа бир шеърида Муқимий 1902 йил Андижонда юз берган машъум зилзила фожеаларини қаламга олади:

Рўзани ўн олтиси сешанба кун,
Қолди иморат тагида инсу жон. [3.342]

"Тарихи зилзилаи Андижон аз мавлоно" деб номланган шеъридан олинган парчада кўринадики, Муқимий тарихийлик тамойилидан бормоқда. У фожеа тафсилотларида ортиқча муболағага берилмайди, андижонликлар бошига тушган мусибатни худди тарихий солнома ёзаётгандай тасвирлаб беради. Айни дамда, Андижон аҳолисининг реал, жонли образлари ҳам яратилади.

Шеърларида реал шахс қиёфасини тасвирлашга уриниш Муқимийга замондош Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби шоирлар ижодида ҳам кузатилади. Хусусан, Фурқат шеъриятида бу янада ойдинроқ кўринади:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лола ранг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг. [7.47]

XIX охирида ижод қилган шоирларни умумлаштирувчи асосий омил шеъриятга ижтимоийлик аломатларининг кириб келишида эди. Кейинги даврда адабиётнинг том маънода ижтимоийлашгани ижодкорнинг инсон қиёфаси тасвирига бўлган муносабатини тубдан янгилайди.

XX аср бошларида ўзбек адабиёти ижтимоийлашади. Энди шоир илгаргидай умумэстетик канон сифатида белгиланган идеал ғояларни эмас, балки мавжуд ижтимоийликни қаламга ола бошлади. Ўзўзидан адабиёт марказидаги инсон шахс мақомига кўтарилди, айни дамда, унинг қиёфаси ҳам реаллашди. Энди шоир инсон – шахс қиёфасини бутун мураккабликлари: дарду хаёллари, орзу истаклари, туриш-турмуши билан тавирлашга ҳаракат қила бошлади. Ўтган аср бошида инсон тасвирининг ўзгариши, аввало, лирик субъект қиёфасининг ижтимоийлашганида яққол кўринди. Яъни лирик субъект (шоир) ҳис-туйғулари мавжуд ижтимоийликка қаратилдики, энди унинг қиёфасида идеал маъшуқа ишқида ёнаётган ошиқни эмас, балки конкрет шахс изтиробларини кўриш мумкин эди.

Янги ўзбек шеъриятидаги инсон қиёфасининг реалистик тасвирида Чўлпоннинг 1921 йилда ёзилган "Сатанг" шеъри катта аҳамиятга молик. Шоир шеърда маъшуқа қиёфасини (лирик объект) бевосита тасвирлашга ҳаракат қилади:

Қоп-қора сочидан иккита гажак
Буралиб-буралиб юзига тушмиш.
Қолганлари яна бўлакма-бўлак
Белидан илондек ерга чўзилмиш.

Унинг юзларида бошқа қизлардек
Кетсиз қайғуларнинг излари йўқдир.
Балки, эркда ўскан эрка қизлардек
Тўлғин юзларида доим шўхликдир. [5.120]

Келтирилган шеърий парчада илгари адабиётимизда кузатилмаган кўп жиҳатларни учратишимиз мумкин. Чўлпон ёр образини таърифлаб эмас, балки тасвирлаб кўрсатишга уринган. Қаҳрамоннинг характери ва ҳис-туйғулари унинг қиёфаси тасвирида ўз аксини топган. Шоир қизнинг ёш эканини (*Кетсиз қайғуларнинг излари йўқдир*), ҳаракатларида айёрлик, жодугарлик борлигини (*Белидан илондек ерга чўзилмиш*), шўху шаддодлигини (*Тўлғин юзларида доим шўхликдир*) шунчаки сўз воситасида айтиб қўйишдан тийилади. Ўқувчи шоир тасвирлаётган қизни кўз олдига келтирар экан, юқоридагиларни унинг қиёфаси тасвирида яққол кўриши мумкин бўлади.

XX аср бошларида шеъриятимизда кечган ўзгаришларни визуал санъатларнинг ривожланиши билан боғлаш мумкин. Зеро, аср аввалида юртимиз тасвирий санъатида катта ўзгаришлар содир бўлган эди. Ноширлик соҳаси тараққий этиб, қўлёзмаларнинг ўрнини тошбосма китоблар эгаллайди. Ўз-ўзидан, китобатчиликда безак санъатларига эҳтиёж камайиб, миниатюра ўрнига реалистик тас-

вирга асосланган замонавий рангтасвир келади. Бундан ташқари, адабиётда янги турларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиб, оммалашиши шеъриятнинг наср ҳам драматургия билан рақобатлашишига олиб келади. Ўша давр шеърияти олдида ифодавий-шаклий жиҳатдан янгиланиб улгурган тасвирий санъат, бундан ташқари, фотография, ички омил сифатида наср ҳамда драматургияга хос ифода шаклларини ўзлаштириш, замонавий ўқувчининг эстетик эҳтиёжларини қондириш масаласи турарди. Албатта, шоир бу ўзгаришларни ҳали тўла англамаган бўлиши ҳам мумкин, лекин санъаткор сифатида замонга, янгиланаётган бадиий дидга мослашиш кераклигини теран ҳис эта бошлагани аниқ.

Янги ўзбек шеъриятининг кейинги даврларида инсон қиёфасининг тасвири янада реаллашади. Унинг мураккаб руҳий олами, орзу истаклари қиёфа тасвиридаги янада кичик деталлар воситасида ифодаланади. Айтиш мумкинки, тарихнинг ҳар бир даври ўзининг бошқаларга ўхшамаган қиёфасини – инсон шахсиятини яратишга эришади.

Адабиётлар:

1. Дмитриева Н. Изображение и слово. – М.: Искусство, 1962.- 316 с.
2. Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.- 542 б.
3. Муқимий. Асарлар тўплами. 2 томлик. 1-том. Лирика – Т.: Адабиёт ва санъат, 1960.- 378 б.
4. Лессинг Г.Э. Лаокоон, или О границах живописи и поэзии. – М.: Эксмо, 2012.- 250 с.
5. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Akademnashr, 2013.- 386 б.
6. Полякова Е., Раҳимова З. Миниатюра и литература Востока. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.- 288 с.
7. Фурқат. Танланган асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975.- 296 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 21 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)